

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



10:15 / 28.02.2022 2313

«Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ҳамда islom.uz портали жамоаси Покистоннинг машҳур фақиҳларидан бири, Карачидаги Дорул-улум ҳадис мударриси, фазилатли шайх, аллома, муфтий Маҳмуд Ашраф Усманийнинг вафотлари муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор қилади.

Фазилатли шайх Маҳмуд Ашраф Усманий раҳимаҳуллоҳ камтарликлари, хушмуомалалиги ва бошқа кўплаб фазилатлари билан ажралиб турадиган кучли тақво соҳиби эдилар, аллома Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳнинг жияни эдилар.

Шайх Маҳмуд Ашраф Усманий раҳимаҳуллоҳ исломий илмларга оид кўплаб асарларнинг муаллифидир, хусусан, «Муовия розияллоҳу анҳунинг сийратлари» номли асарлари машҳурдир.

Аллоҳ таоло бу улуғ олимнинг аҳлу оилаларига, яқинларига, сафдошлари, шогирду талабаларига сабру жамил ато этсин. Бу жудоликда мусибатга учраган барча азизларимизга чин юракдан таъзия изҳор қиламиз.

Аллоҳ таолодан улуғ устоз, шайх Маҳмуд Ашраф Усманий ҳазратларини Ўз раҳматига олишини, қилган эзгу амаллари, Исломга қилган хизматларини ҳусни қабул айлаб, гўзал мукофотлар билан сийлашини сўраймиз. Аллоҳ таоло бу каби уламолардан сўнг умматга хайри халафлар берсин.